

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига
2024-2025 ўқув йили учун иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга хужжат
қабул қилиш тартиби

1. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш учун абитуриентлар 10 июлдан 10 августга қадар (шу куни ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган махсус электрон <https://ikkinchitalim.edu.uz/> тизим орқали рўйхатдан ўтади.

2. Абитуриентлар рўйхатдан ўтишда махсус электрон тизимга ўзининг шахсий маълумотларини киритади ва қуйидаги хужжатларни юклайди:

- олий маълумот тўғрисидаги хужжатнинг нусхаси (*ёки дипломдан қўчирма - Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида ўқиб тугатганлар учун*);

- олий маълумот тўғрисидаги хужжатнинг илова нусхаси;

Бунда, хорижий давлатлар таълим муассасаларининг 1992 йил 1 январдан кейин берилган дипломлари белгиланган тартибда нострификациядан ўтказилган бўлиши лозим.

3. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга кириш синовлари суҳбат тарзида (*рўйхатдан ўтган абитуриентлар сони белгиланган таълим йўналишидаги қабул квотасидан ортган таълим йўналишлари учун имтиҳон тарзида*) жорий йилнинг 15 августидан 25 август кунига қадар ОТМда ўтказилади. Университет кенгаши қарорига мувофиқ **60420100-Юриспруденция**: бизнес ҳуқуқи таълим йўналишига конкурс юқори бўлишини инобатга олган ҳолда ушбу таълим йўналиши бўйича кириш имтиҳонлари Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги томонидан тест синовлари шаклида ўтказилиши назарда тутилган.

4. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан 2024-йил 31-майда тасдиқланган “Республика олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари рўйхати ва уларга мос тест синови (касбий (ижодий) имтиҳон) топшириладиган фанлар мажмуаси”даги фанлар тақсимотини ҳисобга олган ҳолда 60420100 – Юриспруденция таълим йўналишидаги асосий фанлар (хуқуқшунослик фанлари ва чет тили) бўйича тест синовлари ўтказилиши бўйича қарор қабул қилинган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 13-майдаги 395-сонли “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тест синовлари мажмуасига чет тили (инглиз, немис, француз тиллари) фани киритилган бакалавриат таълим йўналишларига хужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг тегишли даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу чет тили фанидан имтиҳонларсиз белгиланган максимал берилади. Мазкур фанлардан тест синовларини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига тўғридан-тўғри талабгорлардан тўлов ўтказиш кўзда тутилган тақдирда, ўрнатилган миқдорда талабгорлар томонидан тўловлар амалга оширилиши белгиланган.

5. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга қабул қилиш натижалари жорий йилнинг 30 августига қадар эълон қилинади.

6. Имтиҳон (ёки суҳбат) натижаларига кўра ўқишга қабул қилинган талабалар олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асли (ёки дипломдан кўчирма — Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларини давлат гранти асосида ўқиб тугатганлар учун) ОТМга тақдим этади.

7. Иккинчи ва ундан кейинги таълимда ўқиш учун талабалikka тавсия этилган шахслар билан ОТМ ўртасида шартнома расмийлаштирилади.

8. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш ўқув режаларидаги фанлар фарқидан қатъий назар, 2-курсдан бошланади. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимга ўқишга қабул қилинган талабалар олдинги ОТМда ўқув режасидаги таълим олган фанлари бўйича фанлар фарқи (академик қарздорлик) ўқув йили давомида кредит-модуль тизимида тўлов асосида ўзлаштирилади.

9. Иккинчи ва ундан кейинги олий таълимда ўқиш давомийлиги тегишли бакалавриат таълим йўналишлари учун белгиланган муддатдан бир йилга кам этиб белгиланади.

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.09.2021 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларида иккинчи ва ундан кейинги олий таълимни олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 606-сон Қарори <https://lex.uz/uz/docs/5657199>.